



2013 у.р. "6" ноябр

№ 1176-К. Самарқанд т-р Самарқанд

"Қайнама" қишлоқ фуқаролар йиғини М-37
"Самарқанд-Бухоро-Туркманбоши" йўли ёқасида
фуқаро Амонова Тухфага савдо дўкони қуриш учун
ер майдони ажратиш тўғрисида"

Самарқанд шаҳар Бойчечак кўчаси 6-уй 6-хонадонда яшовчи фуқаро Амонова Тухфа туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, Самарқанд тумани "Қайнама" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтувчи М-37 "Самарқанд- Бухоро-Туркманбоши" автомагистралининг ёқасида бузилишга тушган савдо дўкони ўрнига савдо дўкони қуриш учун ер майдони ажратишни сўраган.

Юқоридагиларни, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосасини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли "Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида" қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Самарқанд шаҳар Бойчечак кўчаси 6-уй 6-хонадонда яшовчи фуқаро Амонова Тухфага "Қайнама" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтувчи М-37 "Самарқанд- Бухоро-Туркманбоши" автомагистралининг ёқасида ўзига тегишли ҳовли жойи ҳисобидан савдо дўкони қуриш учун 58 м.кв. ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Амонова Тухфага савдо дўконини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик кодекси"нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев